



ЖАМИЯТ

№ 02 (779)
2022 йил
20 январь,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

ОҚҚИНАМ, ПОҚҚИНАМ



Ўша пайтларда пахталар ҳам аллақандай бўлиқ бўлармиди, биз ўқувчилар пахтазорда кўринмай кетардик. Ҳозир эсимда йўқ, кундалик норма анчайин кўп эди, уни деярли ҳеч ким бажара олмасди. Ўқитувчиларимиз пахтани кам терганларни эрталаб сафга тизишиб жазолашарди. Улар аввал юзимизга бир тарсаки уришиб, сўнгра орқамизга бир тепишар эди. Айрим нимжон болалар тепкининг зарбидан мункиб кетиб ерга йиқиларди...

УСТОМОНЛИК ҚАЧОНГАЧА?



Ёхуд боқимандаликни
“касб”га айлантирганлар



МЕНИНГ ОТИМ — ХАЙРИЯТ

ОИЛА



КИМНИНГ ГАРДАНИДА?!

ҲАҚИҚАТ БАҲС ВА ОШКОРА МУЛОҚОТЛАРДА БЎЙ КЎРСАТАДИ

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ҳар куни янгидан-янги ўзгариш ва янгиликлар рўй бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ билан очик-ошкора мулоқот қилишнинг янги тизими — Халқ қабулхоналари институти ўтган вақт мобайнида бажарилган ишлардан кўра ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар янада кўпроқ эканлигини намоён этди. Зотан, ҳақиқат баҳсларда, ошкора мулоқотларда бўй кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилганидан кейин халқнинг реал ҳаётдан хабардор бўлиш, одамларнинг кўп йиллик муаммолари ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни ҳатто жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлаш имконияти пайдо бўлаётган. Чилонзор туманидаги Халқ қабулхонасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртдошларимизда миннатдорлик ҳиссини уйғотмоқда.

Рақамларга юзланадиган бўлсак, 2021 йил давомида фуқаролардан жами 1175 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 644 таси, яъни 52,5 фоиз ижобий ҳал қилишга эришилди. 108 та мурожаат ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал қилинган бўлса, 14 таси узок муддатли назоратга олинган. Зарурат вужудга келганда эса мурожаатлар ўз ўрнида бошқа тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда. Бироқ мавжуд амалиёт ва таҳлиллар шуни кўрсатадики,

муаммолар ўз вақтида, жойида ҳал қилинмагани, фуқаролар мурожаати қаноатлантирилмаган, пайсалга солиб келингани, раҳбар, энг аввало, мурожаатни юзага келтираётган омишлар, сабаблар ва шарт-шароитлар тўлиқ ўрганиб чиқилади.

Ўрганишлар натижасида аниқ бўлдики, мурожаатларнинг аксарияти коммунал соҳа (ширкатлар фаолияти, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти, ичимлик суви таъминоти, электр энергияси таъминоти, табиий газ таъминоти, оқова сув ва канализация, лифт ўрнатиш ва таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва сақлаш, чиқиндилари йиғиштириш ва бошқалар)га оид. Аммо бугунга келиб, ушбу муаммоларнинг аксарияти ўз ечимини топди.

Шунингдек, Халқ қабулхонаси томонидан давлат органлари ва ташкилотларига “Мурожаатлар билан ишлаш фаолияти ва бошқа масалаларда жами 15 мартаба тақдимномалар киритилган бўлиб, ушбу тақдимномалар белгиланган тартибда ўрганиб чиқи-



либ, аниқланган камчиликлар бўйича масъул ходимларга нисбатан Қонунчиликда белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилган.

Лекин мазкур ислохотлар моҳиятини ҳамма ҳам бирдай тушунапти деб бўлмайди. Айрим идораларда ҳали ҳам сусткашлик, янгиликларга панжа орасидан қараш ҳоллари, афсуски, учраб турибди. Аксарият ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари яратилмаган, шу сабабли уларни ягона тизим билан интеграция қилиш имконияти қийин кечмоқда. Идоралараро электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш, архив ҳужжатларини рақамлаштириш каби соҳаларда ҳал этилишини кечиктириб бўлмайдиган муаммолар кўзга ташланиб турибди. Шу сабабдан ҳам, 2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан 2021 йил давомида Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашига 4 мартаба ахборотлар киритилиб, ушбу ахборотларда туманда мавжуд камчиликлар ёритиб берилган. Киритилган ахборотлар бўйича Халқ

Депутатлари Кенгашида муҳокама-лар ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Қабулхона томонидан давлат органлари ва ташкилотларига “Мурожаатлар билан ишлаш фаолияти ва бошқа масалаларда жами 15 мартаба тақдимномалар киритилган.

Хулосада шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқимиз учун хизмат қилиши керак”, деган ғоя бугун ҳаётимизнинг асосий мазмунига айланаётган экан, буни ҳар биримиз муносиб англаган ҳолда шунга монанд ишлашимиз зарур. Юртимизда қандай янгиликлар, қандай ислохотлар жорий этилаётган бўлса, буларнинг барчаси одамларнинг бугунги ва эртанги ҳаёти фаровон бўлишини таъминлаш, халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улғу мақсадга қаратилган. Бинобарин, халқ розилиги мамлакат тараққиётининг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ш. МИРЗАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Тошкент шаҳар
Чилонзор туманидаги
Халқ қабулхонаси мудири

ИСТЕЪДОД – ХАЛҚ МУЛКИ

Жараён

Президентимиз мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишини ўтказди.

Тадбирда халқ таълимини ривожлантириш билан боғлиқ ислохотларни янги босқичга кўтарадиган муҳим таклиф ва хулосалар айтилди. Ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилиши белгиланди.

– Бу Агентликни фақат 14 та мактаб учун тузганимиз йўқ. У Президент мактабларидаги муҳитни, методикани бошқа мактабларга ҳам олиб кириши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун янги ўқув йилидан бошлаб Нукус шаҳри ва вилоят марказларида иккитадан, туман ва шаҳарларда биттадан мактаб танлаб олинди, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказиладиган бўлди.

Бугунги кунда вилоятимизда 884 та мактаб бор. Шундан 748 тасида таълим ўзбек тилида, 51 тасида рус тили ва 18 тасида тожик тилида, 64 тасида козоқ тилида, 3 тасида қирғиз тилида олиб борилди. Вилоятдаги мактабларнинг 55 таси айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган бўлиб, уларнинг 2 таси мактаб-интернат шаклида.



Ихтисослаштирилган мактабларда таълим олаётган 63 828 нафар ўқувчининг 5134 нафари мазкур мактабларнинг ихтисослаштирилган синфларида таълим олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида вилоятда 8 та математика, 6 та кимё-биология, 9 та АКТ, 1 та физика таянч, 21 та чет тилларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган мактаблар ташкил этилган.

Тан олиб айтиш керак, ихтисослаштирилган мактаблардаги вазият, таълимни ташкил этиш, методологик ёндашув қониқарли даражада эмас эди. Жуда кўп таълим соҳаси фахрийлари билан гаплашганимизда, чуқурлаштирилган ҳолда таълим бериладиган мактаблардаги умумий вазият ҳақида гап очилар, афсуски, устозлар қўйган саволларга жавоб беришга қийналар эдик.

Ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилиши белгилангани, ишонинг, барча ҳудудларни қамраб олишини назарда тутсак, таълим жараёнига алоҳида жўшқинлик, рақобат ва кўтаринкилик олиб киради.

Чунки таълим методикасида машхур гап бор: “Талантсиз бола йўқ, фақат уни очиб бера олмайдиган ўқитувчи бор”. Шу маънода, ўқитишнинг мутлақо янги услуби билан қисқа вақтда халқимиз меҳрини қозонган Президент мактабларида сифат, даража, талаб барча мактабларга секин-аста татбиқ этиб борилиши ҳозирги вазиятда энг тўғри қарор бўлди, деб баралла айтиш мумкин.

Азамат КАМОЛОВ,
Тошкент вилояти Халқ таълими
бошқармаси бошлиғи

ҒАЗАЛ БИЛМАСЛИК ОР САНАЛГАН



Инсоният қанчалик тараққий этмасин, барибир улар китобга эҳтиёж сезиб, унга талпиниб бораверади. Китоб ақл-заковат ва тараққийнинг илдиридир.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга қарата айтганидек: “Қуёшлик истасанг, касби камол эт”.

Бугунги кунда ёшларнинг билим олиш, илмга интилиш даражаси турлича. Айтайлик, кимдир ахборот технологиялари ривожланган даврда интернетдан илм олиш, билим эгаллаш, танланган соҳаси бўйича етук кадр бў-

лиш учун унумли фойдаланса, яна биров ундан фақат ўйин ва видео юклаш мақсадида фойдаланади.

Юртимизда таълим соҳасида узоқ йиллар фаолият юритиб, эндиликда ёшлар тарбиясига масъул бўлган собиқ педагоглар жуда кўп. Айниқса, Юртбошимиз томонидан белгиланган “Бир нуруний — беш нафар ёшга мурабий” тамойили асосида нуруний отахон-онахонларимизнинг ёшларга бириктирилгани таълим тизимида ҳам ўзига хос натижалар бера бошлади. Хусусан, ўқувчиларимиз интернет орқали электрон, аудио ва видео китобларни олиб,

билимларини ошириб бормоқда. “Ўтган кунлар”, “Қутлуг қон”, “Икки эшик ораси”, “Улуғбек хазинаси” сингари кўплаб китоблар уларнинг дунёқаршига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўқувчи-ёшлар учун ташкил этилган “Ёш китобхон” танловига қизиқиш эса ниҳоятда кўпайиб бормоқда.


Эндиликда нурунийларимизнинг бой билим ва тажрибаси, ҳаётий хулосаси асосида келажакда ўз касбини танлаётганлар, қатъий бир мақсад билан хунар ўрганаётганлар талайгина. Энг асосийси, бунда ёшларни китобхонликка жалб этиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Амир Темур бобомиз айтганларидек: “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг илму-донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мурабийдир”.

Китоб инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварликка ундашни жаҳон илм-фани, алақачон, тадқиқотларда акс эттиришган. Шу боис, ота-боболаримиз илм ўрганиш,

китоб ёзиш ва ўқиш борасида бутун тарих давомида бошқаларга ўрناк бўлишган. Тарихдан биламизки, илгари Яссавий, Бедил, Фузулий, Махтумқули, Машраб ғазалларини ёд билмаслик ор саналган. Ўша пайтларда хориждан юртимизга саёҳат ёки тижорат ниятида келган машҳур шахслар бу ердаги кутубхоналар ва китоб дўконларининг кўплиги ва китобларнинг хилма-хиллигини кўриб ҳайратланган. Шу боис, юртимиз ўзига хос “Илм-марифат маркази” сифатида шуҳрат қозонган.

Бугун мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун дадил қадамлар ташланмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмайдими, албатта. Ёшларимиз китобни дўст тутиб, илмли, зеҳдли ва тадбирли бўлсагина биз пойдевори мустаҳкам Янги Ўзбекистоннинг келажagini яратамиз.

Дилшода ҚАНДАҲОРОВА,
Навоий вилояти Хатирчи тумани
18-мактаб ўқитувчиси



“Аммо кейин роса азоб едик. Биз қолиб, амакимизнинг ўғиллари можарога аралашиб кетди. Ҳолбуки, ўз вақтида ҳал қилинганда бу кўплаб муаммога ечим бўларди”, дейди ўғилларидан бири.

Бу биргина ҳодиса эмас. Лекин хулоса чиқариш учун кифоя қилинадиган воқеа.

Тўғри, ўзбекиликда ота-она ҳаётлигида кадастр, нотариус орқали мол-мулк тақсимлаш хийлагина беўхшов кўринади. “Ўзаро келишиб кетади. Мол-мулкни хужжатлаштириб, мерос масаласини ҳал қилиш европаликларга хос” дейишади. Аммо замон ўзгаряпти,

ЎЙИНГИЗНИНГ ҲУЖЖАТИ БОРМИ?

Афсуски, бу саволга кўпчилик ҳамон “Бор” деб жавоб беролмайди

Келинг, шу мавзуда мулоҳаза юритишдан аввал яқинда бўлган бир воқеага кулоқ тутайлик.

– Маҳалламизда яшаган кекса отахон саломатлиги ёмонлашиб, тўшакка миҳланиб қолди, – дея воқеани айтиб берди яқин кишимиз. – Бир куни борсак, уйда 4-5 чоғли одам, фарзандлари бор экан. Ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач, отахоннинг катта ўғли гап бошлади: “Уэр, Шариф ака, биз отамизнинг умри узоқ бўлишини хоҳлаймиз. Лекин ўлим ҳақ. Кадастр ва нотариусга айтиб қўйган эдик...”. Катта ўғил гапини тугатмасдан Шариф бобо қўлини паҳса қилиб бақира кетди: “Бу нима деган гап, ҳали жони узилмай туриб уй-жой, мол-дунё ҳақида ўйлаясизларми? Туппа-тузук йигитлар, десам, бўлганларингча бўлган экансизларку!..”. Ўғиллар бир-бирларига қарашдию, индашмади.

Эртаси кун ота дунёдан ўтди. Фарзандлари амаллари билан келишиб, уй-жойнинг кадастр хужжатларини тайёрлади, аммо отасининг имзо қўйиши керак бўлган “бир парча қоғоз” тўлдирилмади, мол-мулкни фарзандларга ўзаро бўлиб бериш ҳақидаги васиятнома битилмади. Йигитлар билишар эди: бу уй отасининг эмас, амакиларининг номида. Қачонлардир ака-укалар катта хонадонда яшаган, кейинчалик турли жойларга кўчиб кетишган. Ўша иморат бузилиб, ўрнига бошқаси қурилган бўлсада, хужжатлаштирилмаган. Ўшанда мўйсафиднинг дағдағаси билан йигитлар масалани кўзгашмади. Аммо кейин...

шунга монанд уй-жой, мол-мулкларга муносабатлар ҳам. Шундай экан, ота-она ҳаётлигида мол-мулкнинг миқдори қандай бўлишидан қатъий назар, қонунлаштириш минглаб муаммога ечим бўлади.

Майли, ота-онамизнинг кўзи очиклигида нотариал идора орқали мерос масаласини бир ёқлик қилишга ҳали ўрганмаган бўлайлик. Аммо уй-жой, кўчмас мулкни ота-она тириклиги, саломатлигида кадастрдан ўтказиб, хужжатлаштириб қўйиш мумкин-ку. Бу ота-она вафот этгач, мерос таллашиб кўнгилихиралик бўлганда кўра яхши эмасми?

Ана шу каби кўнгилихиралик, мулк таллаш, қолаверса, ер, мулк солиқлари тўловларида чалкашликлар бўлмаслиги учун давлатимиз томонидан зарур хужжатлар қабул қилинапти, тадбирлар ташкил этиляпти. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан туман ва шаҳарлардаги барча кўчмас мулклар хатловдан ўтказилиб, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, улардан фойдаланувчилар бўйича аниқ маълумотлар шакллантирилди. Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги фармонида кўра эса 2018 йил май ойидан 2019 йил май ойигача ер участ-

Мулоҳаза учун мавзу


каларида ёки иморат қуриш учун ҳеч қандай руҳсат олмасдан барпо этган яқка тартибдаги уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича умумдавлат акцияси ўтказилди.

Акция якуни ва қарор ижросига қизиқиш кўрганимизда Иштихон туманидаги мавжуд 43 мингдан зиёд турар ва нотурар жойлар 1 261 нафар жисмоний ва 643 та юридик шахсга тегишли кўчмас мулк хатловдан ўтказилгани ҳақида маълумот олгандик. Бу иш билан туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг 10 нафар ходими шуғулланган. Хатлов жараёнида ҳар бир хонадон эгасига ушбу тадбир мазмун-моҳияти ва қулайликлари тушунтирилган. Фармон ижросига кўра эса туманда 8,5 мингдан ортиқ ноқонуний қурилишлар аниқланиб, фуқароларнинг 6 минг 80 тасига ҳудудий комиссия томонидан ижобий хулоса берилган ва кадастр йиғмажилдлари тайёрланиб, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Бу рақамлар туманда кейинги уч йилда салкам 8 минг киши, 8 минг оиланинг уй-жой, кўчмас мулк масаласидаги муаммоси ҳал бўлди, бўлиши мумкин бўлган шунча кўнгилихираликнинг олди олинди.

Бу битта туманда бўлган хайрли иш. Бу тадбирнинг вилоят, республика бўйича амалга оширилганини инобатга олсак, кадастр билан боғлиқ яна бир неча минглаб муаммоларга барҳам берилганига амин бўламиз. Муҳими, бу тадбирлар натижасида уй-жойни рўйхатга олишдаги далолатномага кадастр, солиқ идоралари, маҳалла вакиллари ташқари икки томондаги қўшни ҳам имзо қўйиши лозимлиги белгиланган. Бу эса ҳам уй-жой чегаралари бўйича қўшнилари ўртасидаги муаммоларга барҳам берди, ҳам мерос масаласида уларнинг иштироки қонуний кучга эга бўлишини таъминлайди.

Лекин тан олайлик, ҳали ҳам аҳолининг аксарият қисмида уйининг кадастр хужжати ва эгалик ҳуқуқи йўқ. Тўғри, йиллар давомида яшаб келган уйни кимдир тортиб олмайди. Бироқ уйнинг кадастр хужжати бўлмаса мулкка эгалик ҳуқуқини ололмаслигимизни, модомики эгалик ҳуқуқи йўқ экан, уни сотиш, ҳадя қилиш, мерос қолдиришнинг ҳам қонуний йўли йўқлигини англаб етсак яхши бўларди.

Акрам ҲАЙДАРОВ



ОҚҚИНАМ, ОШПОҚҚИНАМ

ЭССЕ

Тўрт минг йиллик ўсимлик

Шўролар даврида “Пахта деса, ўзбекни, ўзбек деса, пахтани тушунамиз”, деган гаплар юрарди. Ҳа, ранги оқ, ўзи юмшоқ, багри иссиқ бу маҳсулот ўнлаб йиллар давомида ўзбекнинг рамзига айланганди.

Хўш, рамзимизга айланган пахта юртимизда қачон пайдо бўлган? Бундан етти-саккиз йил илгари ўзбек археологлари Пекин Палеоботаника ва палеозоология институти олимлари билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятидаги қадимги Сополлитепа ёдгорлигида тадқиқот ишлари олиб борди. Тадқиқотлар жараёнида ёдгорликнинг маданий қатламларидан буғдой, арпа, узум ва анжир, шунингдек, чигит қолдиқлари ҳам топилди. Лаборатория таҳлиллари ушбу чигит қолдиқлари бундан тўрт минг йиллар олдинги даврларга оид эканини кўрсатди. Бу юртимизда пахта Миср ва Ҳиндистонда экилиши билан бир даврда пайдо бўлганини англатади.

Кулфатнинг бошланиши

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, аждодларимиз ипак етиштириш ва ундан турли газламалар тайёрлашда қанчалик моҳир бўлсалар, пахтадан турли-туман либослар тикишни ҳам шундай қойиллатишган. Самарқанд, Бухоро, Дабусия, Термиз каби шаҳарларда яшаган хунармандларнинг пахтадан тайёрлаган газламалари Буюк ипак йўли орқали дунёга тарқалгани ҳақиқат.

XIX асрнинг 70-йилларигача эндигина ривожланаётган Россия тўқимачилик саноати, асосан, АҚШдан келтириладиган пахта хомашёси ҳисобига ишлар эди. Мамлакатда 1861-1865 йилларда авж олган фуқаролар уруши туфайли Америка пахтаси Россияга келмай қолади. Оқибатда, хомашё етишмасиги сабабли Россия тўқимачилик саноати ҳалокатга юз буради. Айни вақтда туркистонлик савдогарлар ҳам Россияга етказиб бераётган пахтанинг нарҳини оширади. Шундан сўнг, Россия аҳолисининг турли қатламлари бундай ҳалокатдан қутулиш чораларни ахтара бошлади. Баҳс, мунозаралар авж олади. Бу баҳсга фаол киришган саноатчилар, савдогарлар, ҳарбийлар, ҳукумат вакиллари Россия империяси Туркистонни босиб олиб, уни хомашё базасига айлантириши лозим, дея айюҳаннос солади. Россия матбуоти вакиллари ҳам бу баҳсга керосин сепаб туради. Шу тарихи, Туркистонни тезроқ истило қилиш учун ғоявий асослар яратилади.

Рус матбуотида 1862 йили чиққан бир мақолада: “Россиянинг Ўрта Осиё билан қиладиган алоқасидан оладиган фойдаси шу даражада аёнки, бу борада бериладиган қурбонлик тезда ўзини оқлайди”, деган жумла бор эди. Шу ўринда, оқ подшо полковниги Д.Н.Логофетнинг фикрига қулоқ солинг. Туркистон тўғрисида бир неча китоб ёзган жаноб Логофет бир асариди: “Умуман, Бухоронинг давлат хўжалиги талончилик билан юритилмоқда ва бунинг оқибатлари ҳалокатлидир. Афсуски, бизнинг ҳукумат бу ҳолатга кераклича эътибор бермаяпти. Эътибор берганида эса кеч бўлади, ҳозирги бой-бадавлат давлат ўрнига рус давлатининг бюджетига оғир, янги юк бўлувчи кашшоқ давлатга эга бўламиз. Бухорога диққатни жалб этишнингмавриди аллақачон келди”, дея қайд этган. Логофетнинг бу орзусини қизил қўшин қўмондони М.Фрунзе етти йилдан сўнг ортиғи билан руёбга чиқарди. Бухоро Халқ Республикаси 1920 йили Ми-

хаил Фрунзе томонидан қонга ботирилиб, истило қилинди.

Туркистон Россия империяси томонидан истило қилинган, бир неча йирик рус амалдорлари, олимлари, сенаторлари бу ерга ташриф буюриб қандай усуллар қўллansa, босиб олинган ўлкадан Россия империяси янада кўпроқ фойда олиши борасида ўз тавсияларини беради. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. 1909-1910 йилларда Туркистонга тафтиш учун келган сенатор К.Пален бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишгач, Туркистонда хомашёни қайта ишлашга мўлжалланган саноат корхоналари куришга батамом чек қўйиш керак, дейди. Унинг иккинчи тавсияси Россиядан рус мужикларини Туркистонга кўчиришдан иборат эди. К.Паленнинг фикрича, Россиядан кўчирилган ҳар бир безори, дайди, саёк жиноятчи мужиклар бу ерда ўтроқлашиб, оқ подшо ҳукуматига таянч, химоячи вазифасини бажариши лозим.

1912 йили Россия империясининг ер ишлари бўйича йирик амалдори А.Кривошейин Туркистонга савдогардан Санкт-Петербургга қайтиб боргач: “Ҳар бир пуд Туркистон буғдойи рус ва Сибир буғдойига рақо-



батдир. Ҳар бир пуд Туркистон пахтаси Америка пахтасига рақобатдир. Шунинг учун... Туркистондаги суғориладиган ерларни пахта экиш учун бўшатиш керак”, деб тавсия беради.

Бу тавсиялар бекорга кетмади. Оқ подшо ҳукумати Туркистонда пахта етиштиришни янада ривожлантириш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Жумладан, Америкадан серҳосил янги пахта нави олиб келинди. Бир неча каналлар қазилиб, Мирзачўлни ўзлаштириш режаси ишлаб чиқилди. Россиядан Туркистонга темир йўл тортиб келинди.

Туркистонда пахта етиштиришни кучайтиришга Россия банклари, пулдорлари ҳам жиддий киришдилар. Банклар аванс, кредит беришни йўлга қўйди. Улар бунинг учун маҳаллий бойлардан фойдаланишди. Судхўрлар бирор деҳқонга пул берар экан, биринчи навбатда, ернинг хужжатларини эгасидан олиб қўяр эди. Об-ҳаво ноқулай келиб, пахта ҳосили камайиб кетса, ер эгалари қарзга ботиб, ердан жудо бўларди. Бу ҳолат туркистонликлар бошига тушган чинакам кулфат эди. Бунинг устига, барча ҳосилдор, суғориладиган ерларга пахта экилгани туфайли озик-овқат маҳсулотлари нарҳи ҳам ошиб кета бошлади.

Оқига ҳам, қизилига ҳам пахта керак

Мана шундай ҳолатда Россия империяси ва унинг мустамлақасига айланган Туркистон айрим одамлар томонидан “инқилоб”, бошқалари томонидан “тўнтарийш” дея номланган 1917 йилги инқирозга ҳам етиб келдик. Содда ота-боболаримиз бизни оқ подшо

истило қилган эди, энди у йўқ, демак биз озод бўлдик, дея Кўкон мухториятини тузди. Бу қизил большевикларнинг режасида йўқ эди. Улар зудлик билан мухториятни қонга ботириб, раҳбарларини қатл эттирди. Жабр-ситам ҳаддидан ошди. Айрим одамлар ўша пайти “оқ подшо ҳам бунчалик қилмагани”, деган экан.

Ер-суви бор, уддабуррон, тадбиркорларнинг мол-мулклари тортиб олиниб, ўзлари узок Сибирга сургун қилинди. Нажижада, Туркистонда кундан кунга кашшоқлар сони кўпайиб борди. Ҳокимият тепасига келган большевикларга ҳам худди оқ подшо каби пахта ва яна пахта керак, Ўзбекистон хомашё базаси бўлиб қолиши лозим эди.

Иосиф Сталиннинг ташаббуси билан 1953 йили ВКП(б)нинг СССРда хутор тизимига барҳам бериш бўйича қарори қабул қилинади. Ушбу хужжат туфайли юртимизнинг тоғли худудларида яшайдиган аҳоли пастга, яъни пахта етиштиришга қулай худудларга кўчирилади. Бундай кўчириш Самарқанд вилоятининг Ургут, Жиззах вилоятининг Фориш ва Бахмал туманлари чекига кўпроқ тушди. Шу сабабли, бизнинг Мўминобод қишлоғимиз ва унга туташ яна тўрт қишлоқ аҳолиси Самарқанд вилоятининг ҳозирги Иштихон ва Каттакўрғон туманларига кўчирилган. Шунинг учун, менинг болалигим Иштихон туманидаги Оқдарё бўйларида ўтган.

Ҳар бир ўзбек боласи гўдаклигидаёқ насл-насабини, аждодлари-авлодларини билмаса-да, аммо пахтани биларди. Мен ҳам ҳали Ватан нима, юрт нима, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур кимлигини англамай туриб, пахтани билганман. Ғира-шира эсимда, ўтган асрнинг 50-йиллари охирида куз ойлари арава минган амакилар бир-икки қанор ҳўл кўракни супамизга ташлаб кетарди. Кун бўйи пахта терган отам билан онам кечаси чувилган пахтани елкасига кўтариб шийпонга топшириб келарди. Ёмғирдан ивиган кўрақларнинг ўзига хос, худди балиқниқига ўхшаш ҳиди бўларди. Бу воқеалардан сўнг олтмиш йиллар ўтган бўлса-да, ўша хид ҳамон димоғимда сақланиб қолган.

1960 йил 1 сентябрь куни мактабга борганман. Биринчи ўқитувчимиз Мўминкул муаллим бизни кутиб олиб, синфга киритди ва мактабда ўқишнинг тартиб-қоидасини ўргатди. Сўнгра бизга ҳозир пахта терими эканини, шу сабабли биз ҳам ота-оналаримизга ёрдам беришимиз зарурлигини айтди.

— Энди, — деди муаллимимиз,— ҳозир уйлари-нингга бориб китоб-дафтарларингни қолдириб далага, оналарингизнинг ёнига, пахта теришга бориңглар.

Биз муаллимимиз айтганини қилдик. Ўша кунини етти кило пахта терибман. Бригадир Абдулла ака мени ҳаммининг олдида мактади. Албатта, ўша пайтда ҳеч ким менга пахтани кам терибсан, дея зуғум қилгани йўқ. Мен ҳам у вақтларда бу оппоқ маҳсулот халқимизнинг бошига оғир кулфатлар солаётганини ва солишини англаб етмаганман. Пешонамда гўдаклигимдан қолган чандиқ изи бор. Бу чандиқнинг пайдо бўлган вақтини ва сабабини билмайман. Бир кунини онам раҳматлидан чандиқнинг пайдо бўлиш сабабини сўрагандим. Онам пешонамга бир қараб қўйиб: “Бунга кўп йиллар бўлган. У пайтлари бешиқдаги чақалоқ эдинг. Пахта теримига ёш болали аёллар ҳам қатнашга мажбур эди. Улар болаларини шийпондаги Тиниқ момога топшириб, ўзи пахта терарди.

Бир куни туш маҳали терган пахтамини топшириб, сени эмизиш учун шийпонга бордим. Сени эмизатиб пешонангдан кон изини кўрдим ва Тиник моддан нима бўлганини сўрадим. У киши беланчакдан йиқилганини айтди. Бу чандоқ ўшандан қолган экан”.

Ҳа, оппоқкина бу пахта менинг ва халқимнинг пешонасида ўз изини қолдирган. 1954 йили Иштихон туманига мажбуран кўчирилган ҳамкишлоқларимиз аста-секин ўз қишлоқларига қайтиб кета бошлади. Бизнинг оила ҳам 1964 йили Мўминободга кўчиб келдик. 1967 йили яна оқ пахта билан қайта учрашдим. Ўша давр таомилига кўра, пахта экилмайдиган туманларнинг ўқувчилари, аҳолиси пахта терими мавсумида ҳашарга олиб кетиларди. Еттинчи синфда ўқиётган пайтимда илк марта Ургут туманидан Иштихон туманига ҳашарга борганман. Бу ҳашарлар камидики ойга чўзилар эди. Ўша пайтларда пахталар ҳам аллақандай бўлик бўлармиди, биз ўқувчилар пахтазорда кўринмай кетардик. Ҳозир эсимда йўқ, кундалик норма анчайин кўп эди, уни деярли ҳеч ким бажара олмасди. Ўқитувчиларимиз пахта кам терганларни эрталаб сафга тизишиб жазолашарди. Улар аввал юзимизга бир тарсаки уришиб, сўнгра орқамизга бир тепишар эди. Айрим нимжон болалар тепкининг зарбидан мункиб кетиб ерга йиқиларди. Уларнинг қаторида мен ҳам бор эдим. Бу воқеаларга ҳам кўп йиллар бўлди. Бизни жазолаган ўқитувчиларимизнинг деярли барчаси бу дунёни тарк этган. Аммо кўнглимда уларга нисбатан ҳеч қандай нафрат сақланмаган. У бечора устозлар ҳам ўзларидан катталарнинг зуғумларидан кўркиб шундан қилган.

Шу ўринда, айтишим жоизки, пахта териш нормасини белгилашда ҳам камситиш бор эди. Кўпчилик



биладики, ўша даврларда институтларда талабалар икки - миллий ва евро гуруҳларга ажратиларди. Миллий гуруҳларда ўқийдиган талабаларга бир кунлик пахта териш нормаси 80 кг бўлса, евро гуруҳлари учун 30 кг эди...

Кулфатнинг авжига чиқиши

XX асрнинг 70-йилларига келиб собиқ СССР енгил саноатининг пахта хомашёсига бўлган талаби ошиб бораверди. Аммо ўзбек тупроғи пахта етиштиришдан чарчаган, тобора ҳолсизланиб борарди. Бундан ташқари, оммавий сафарбарликдан кекса ҳам, ёш ҳам, бемор ҳам четда қолмади. Ўша пайтда “Оқ олтинни олтин қўллар яратади”, деган шиор пайдо бўлди. Бу шиор катта-катта ҳарфлар билан ёзилиб, барча ҳудудларга осиб қўйилди. Аммо жафокаш ўзбек пахтакорлари иссиқ ва совукдан, қовачоғу кўсақлар тирнашидан ёрилган қўлларига боқишиб, ўз қўлларининг олтин эканини, агар олтин бўлса, нега хор эканини ҳеч ҳам тасаввур қила олмасдилар.

Коммунистлар қанча тарғиб-ташвиқ қилмасинлар, чиранмасинлар, XX асрнинг 80-90 йилларида Ўзбекистонда пахта етиштириш ғоятда мушкул бўлиб қолди. Орол денгизи қурий бошлади, сунъий ўғитлардан еримиз касалланди. Пахта яккахокимлиги тобора ўзининг салбий оқибатларини намоён қилиб, катталар ва болалар ўртасида турли юкумли касалликлар авж олди. Шундай кунларнинг бирида Москвада нашр этиладиган “Огонёк” журналининг 1988 йилги 43-сонида “Пахта қули” сарлавҳали кичикроқ бир мақола чоп этилди. Ушбу мақолага Дамир исмли ўзбек боласининг маъюсгина сурати ҳам илова қилинган эди. Бир сўз билан айтганда, журналист ўша даврдаги реал ҳолатни акс этириб, ўзбек боласининг аянчли аҳолидан оммани хабардор қилди.

Яқин 70-80 йиллардан буён бундай мақола чоп этилмаган эди, шу сабабли худди саратонда чакмоқ қақиб, шаррос ёмғир қўйгандек бўлди. Шундан сўнг

зудлик билан “Совет Ўзбекистонни” газетасининг 1988 йил 282-сонида ўша мақолага қарши раддия ёзилиб, муаллифни ва журнал таҳририятини қаттиқ жазолаш талаб қилинди. Раддия муаллифлари фикрича, ушбу мақола ўзбек халқининг шаънига ҳақорат эмиш. Ўзбек халқи пахта етиштиришни ва мамлакатни бу қимматбаҳо хомашё билан таъминлашни ҳамма вақт ўзининг миллий ифтихори ва Ватан олдидаги биринчи интернационал бурчи, деб ҳисоблаб келган эмиш. Энг ачинарлиси, раддия муаллифлари ўзимизнинг зиёлилар эди. Афсус...

Халоскор борми?

У даврлар ҳам ўтди. Пешонамизга қуёш тегиб, истиқлолга эришдик. Аммо ҳеч ким ўзбек халқи учун чинакам кулфатга айланган пахта майдонларини



ҳеч бўлмаганида қисқартиришга ҳам журъат қилмади. Аксинча, бу йил пахта етиштирадиган фалон давлатда пахта ҳосили яхши бўлмаяпти, шу сабабли жаҳон бозорида пахта толаси қиммат бўларкан, дея жон-жаҳдимиз билан пахта теримига киришар эдик. Аммо бундан ҳаётимиз фаровон бўлиб қолмади. Яна пахта яккахокимлигининг оғир оқибатлари ва Орол денгизи қуриб бораётгани ҳақида гапириш ва ёзиш қийинлашиб борди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек археологлари хорижлик ҳамкасблари билан яқин ҳамкорлик қила бошлади. Германиялик археологлар ҳам биринчилардан бўлиб, биз билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Профессор Дитрих Хуфф Сурхондарёнинг Шеробод туманидаги бронза даврига оид қадимий Жарқўтон шаҳарчасида ишлаш истагини билдирди. Шу сабабли, немис археологлари ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида ўзбек олимлари билан ҳамкорликда Жарқўтонда қазишма ишлари олиб борар эди. Мен 1991 йилги халқаро Ипак йўли экспедициясида икки ой иштирок этганим учун профессор Дитрих Хуфф билан анча яқин бўлиб қолгандим. Узок йиллар Эрон, Покистон, Ироқ ва Туркияда ишлаган, турк тилини яхши биладиган олим билан суҳбатлашиш мароқли эди. Сентябрь ойида Дитрих Хуфф Сурхондарёга келганини эшитиб, уни кўриш истагида Шерободга йўл олдим. Учрашувимиз жуда самимий бўлди. Профессор билан 1991 йилги халқаро экспедиция саргузаштларини эсладик. Суҳбатимиз давомида Дитрих менга қараб:

— Амридин, мен бир нарсани тушуна олмайман, шуни сиздан сўрасам майлими? — деб қолди.

— Бемалол, — дедим мен.

— Ҳар куни эрталаб соат саккизда уйқудан турман. Бу маҳалда ўзбек аёллари пахта тераётган бўлади. Ҳаво иссиқ бўлгани учун ишни соат 11 да тўхтатиб базага қайтаман. Аммо аёлларингиз ҳамон пахтазорда бўлади. Мен соат тўртларда ҳавонинг тафти пасайгач ишга бораман. Бу пайтда ҳам аёллар ва болаларни пахтазорда кўраман. Шунча кўп меҳнат қиладиган аёлларингиз нега бунчалик камбағал яшайди? Агар немис аёллари ҳам шунчалик кўп ишлаганида эди, уларнинг бойликларини тасаввур қилиш ҳам қийин бўларди.

Мен ўша пайтларда хорижларга сир берма, уларга унча-мунча гапларни айтма, оқибати ёмон бўлади, деб эшитганим учун нима деб жавоб беришга тарадудланиб қолдим. Аммо жавоб бермасликнинг ҳам иложи йўқ эди.

— Йўқ, домла, халқимиз унчалик камбағал эмас. Пахта ни йигиб олгач катта тўйлар қиламиз, янги уйлар қурамиз, — дедим.

— Билмадим, ҳар ҳолда менга шундай туюлади, — деди немис олими. Аммо кўп юрт кезган профессор бор ҳақиқатни кўраб тургани, бироқ унга менинг жавобим қизиқ экани аён эди.



Худди шунга ўхшаш суҳбат италиялик машҳур археолог Маурицио Този билан бўлиб ўтган эди. Шарқ мамлакатлари тарихи билимдони Маурицио Този билан 2000 йилларда ҳамкорликда Самарқанд вилоятида тадқиқотлар олиб бордик. Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги ёдгорликлар билан танишдик. Бир куни Маурицио менга:

— Амридин, нега бунча пахтага ёпишиб олгансизлар, қаёққа қарасанг, пахта, пахта. Пахтадан бошқа экинни ҳам биласизларми? — деб қолди. Мен унга:

— Халқимиз азал-азалдан пахта экиб келган, биз бунга ўрганганмиз, бу борада моҳир бўлиб кетганмиз, — дедим. У менга қараб:

— Тушунаман. Совет даврида пахта экишга мажбур эдиларинг. Энди эса мустақилсизларку. Биласизми, фақат пахта экадиган давлат ҳеч қачон бой бўлмайди, — дея мева-чева ва бошқа маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархини бирин-кетин санаб берди. Сўнгра менга қайрилиб: “Кўрдингизми, энг арзони пахтаку”, дерди.

Шундан сўнг мен унга:

— Пахта экиш-экмасликни мен белгиламайман, буни бошқалар хал қилади, — дея қутулардим.

— Биламан, ҳаммасини биламан. Ўзбек халқига хурматим жуда баланд. Бу халқнинг тарихда ўз ўрни, шон-шухрати бор. Фақат жоним ачиганидан бу гапларни айтганман, — деди профессор.

Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйладим. Охири халқим бу кулфатдан ҳеч қачон қутула олмаса керак, деган умидсиз хулосага келган эдим.

Ўзбекнинг бошига офтоб теккан кун...

Ҳар қандай кулфатнинг, азобнинг ниҳояси бўлади, деган гап бор. Халқимизни бир ярим аср давом этган катта кулфатдан қутқариш, халос этиш Президент Шавкат Мирзиёев зиммасига тушди. Давлатимиз раҳбарининг хатти-ҳаракати, қатъияти билан мамлакатда пахта етиштиришда ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар меҳнатидан, умуман, мажбурий меҳнатдан фойдаланишга батамом чек қўйилди. Шу пайтгача амалда бўлган, шўролар давридан мерос, халқимизнинг барча кулфатларининг бош сабабчиси — пахтага нисбатан давлат буюртмаси бекор қилинди.

Ҳозир ҳисоблаб кўрсак, бутун мамлакат аҳолисини икки-уч ой сарсон қилган, асабига теккан, минглаб одамларнинг инфарк, инсулт касаллигига чалинишига сабабчи бўлган пахтадан кўрадиган фойдамиз бир ярим-икки миллиард доллар атрофида экан. Ҳозир Андижон вилоятининг ўзи пахта қайта ишлаш ҳисобига ўша пайтда бутун мамлакат олганидан кўпроқ фойда кўраётган экан.

Энг қувонарлиси, пахта экиладиган майдонларни босқичма-босқич қисқартиришга, уни хомашё эмас, тайёр маҳсулот сифатида сотишга йўл очилди. Бу хушxabарлар матбуотда эълон қилганида кўпчилик бунга ўз-ўзидан, осонгина содир бўлган оддий воқеа сифатида қаради шекилли, ҳеч ким: “Хайрият-э, ўзбекнинг ҳам бошига офтоб тегадиган кун ҳам бор экан-ку”, дея ҳайқирмади. Бирор киши ёнидаги юртдошнинг қўлини жимгина, мамнуният билан сиқиб ҳам қўймади.

Фикримча, кўпчилик бу кулфатдан ҳеч қачон қутула олмаймиз, фақат унга қўникишимиз лозим, деган ўй билан яшаган. Қолаверса, биз 150 йиллар илгари айнан шу пахта туфайли ўз мустақиллигимизни йўқотган эдик. Бу кулфатдан халос бўлганимиз чинакам истиқлол эмасми? Кулфатнинг аригани муборак бўлсин, халқим.

Амридин БЕРДИМУРОДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
археолог

- Бир масалада сизлардан ёрдам сўраб келгандим, қўлингиздан келармикан?

- Ҳўш, муаммонгиз нимада?

- Яқинда турмушимдан ажралдим, икки нафар фарзандим бор...

- Алимент масаласими?

- Алимент учун аввал ёзгандим, у масала ҳал бўлди, лекин ота ҳовлимда бизга яшашга жой йўқда...

- Ўзингиз, фарзандларингиз соғломми?

- Шукур...

- Ногирон болага қарамайсиз, шундайми?

- Йўйўқ...

- Аммо ота ҳовлимда келинлар билан бирга яшаш жуда қийин кечяпти, давлат томонидан менга ўхшаганларга уй берилади, дейишяптику?

- Турмуш ўртогингиз яшаётган уйга сизни болаларингиз билан киритиш мумкинми?

- Турмуш ўртогим аллақачон уйланди, у ерда қандай яшайман?

Бу каби фикрлар билан таҳририятга мурожаат қилувчи аёллар сони кейинги пайтларда кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Яъни жуда кўпчилик аёллар турмуш ўртогидан ажралган аёлларга ҳукумат ёрдам бериши мажбур, деган тушунчага келиб қолаёттир.

Алиментлар

ундирилмоқда, аммо...

Афсуски, ажралишлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани бундай фикрловчи аёллар сонининг ҳам кўпайиб бораётганига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, 2021 йилнинг олти ойи давомида оилавий ажримлар сони 2041 тани ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 739 тага ошган. 1048 та оила ажрим ёқасига келиб қолган.

Энди тасаввур қилинг, ярим йил ичида икки мингдан зиёд аёллар турмушидан ажралапти, уларнинг аксарияти иқтисодий ҳимоясиз қолмоқда. Тўғри, бугун алимент пуллари ундирилиши бўйича олдинги йилларга нисбатан сезиларли силжишлар, ўзгаришлар бор.

Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилояти бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2021 йилда алимент тўловларини ундириш билан боғлиқ ижро тадбирларининг самарасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилган мажбурий ижро тадбирлари нагжасида алимент тўловчи қарздорлардан жами 20,5 миллиард сўмдан ортиқ алимент пуллари ундирувчиларга ундириб берилди. Бу тоифадаги ижро ишлари бўйича қарздор ва ундирувчилар билан олиб борилган профилактик суҳбатлар натижасида 452 та ёш оила яраштирилди. Ишсиз, ёрдамга муҳтож, оғир аҳволга тушиб қолган алимент тўловчи қарздорларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, ушбу тоифага кирувчи 425 нафар алимент тўловчи оталар ишга жойлаштирилди ва алимент ундирувлари уларнинг иш ҳақиға қаратилди.

Шу билан бирга, конун устуворлиги ва жазо муқаррарлиги тамойиллари таянган ҳолда, алимент тўловларини тўлашдан мунтазам бўйин товлаб кел-

ган 385 нафар қарздорлар маъмурий, 36 нафари эса жинойи жавобгарликка тортилди.

Бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида 2021 йил 1 мартдан бошлаб вояга етмаганларнинг алимент пуллари ҳисоблаш ва тўлаш устидан автоматлаштирилган назорат тизими йўлга қўйилди. Бу орқали алиментларни етказишдаги почта харажатлари тежалмоқда, яъни ундирувчи алимент пулини ҳеч қандай ушланмаларсиз тўлиқ олиш

2126 тасининг никоҳи қонунийлаштирилди ва 650 та оиланинг нотинчлигига барҳам берилди.

945 та нотинч, 14 та эрта туғуруқ ҳолатлари аниқланган оилаларга психолог, соғлиқни сақлаш, ички ишлар ҳодимлари, педагог, дин уламолари ва ҳуқуқшунослар бириктирилди ҳамда 654 нафар хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди.

Вилоятда 655 102 нафар 30 ёшдан юқори бўлган аёлларнинг муам-



имқониятига эга бўлди. Энг муҳими, алиментларни ойма-ой, сўзсиз тўлаб борилишини онлайн назорат қилиш имқони яратилди.

Аслида, алимент пули олганларнинг ҳаммаси ҳам ўша пул билан фарзандини катта қилишнинг имқони йўқ. Аммо шу маблағни ҳам беришни истамаётган оталар ҳамон кўп ва уларга тегишли чоралар кўрилаяпти. Юқорида мажбурий ижро бюроси масъулларининг фикридан ҳам кўриниб турибдики, оилавий ажралишларда иқтисодий масъулдорликнинг оширилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ажрашгандан сўнг отанинг болага иқтисодий масъуллигини қонуний жиҳатдан таъминлаш, бу масалани ҳатто ажралишдан олдин тўғри тушунтириш лозим. Кўпчилик оталар ажрашгандан сўнг худди илгаригидай истаса алимент тўлаб, истамаса (яъни аниқ бир муқим иш жойи йўқку, баҳонаси билан) алимент тўламайман, каби қарашларга чек қўйилиши ҳам кўп ҳолларда ажралишларнинг олдини олади. Афсуски, бу ҳақда ҳар доим ҳам тўғри тушунча берилмаёттир.

Ажралишлар кўпайганига сабаб бор

– Оилавий ажралишларнинг олдини олиш масаласида тизимли ишлар олиб борилаяпти, – дейди Самарқанд вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сайёра Жумаева. – Хусусан, ажрим ёқасига келиб қолган 428 та оила яраштирилиб,

молари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари бўйича хатловдан ўтказилиб, “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий шароити оғир, ёрдамга муҳтож 34 939 нафар хотин-қизлар 9 та тоифага ажратилиб, уларга ижтимоий қўмак кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, нурунийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасини ёшларга ўргатиш мақсадида “Ҳар бир нуруний – бешта ёшга мураббий” тамойили асосида 1105 нафар нурунийларга 5525 нафар ёшлар бириктирилди ва уларнинг ёрдами билан 2 220 нафар ёшлар мазкур рўйхатлардан чиқарилди. 784 нафар профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларга 674 нафар нурунийлар бириктирилиб, уларнинг амалий ёрдами билан 356 нафар вояга етмаганлар профилактик ҳисобдан чиқариш, 651 та оиланинг нотинчлигига барҳам бериш, 555 та ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш, спиртли ичимликка ружу қўйган 356 нафар шахслар соғлом ҳаётга қайтаришга эришилди.

Амалга оширилган ишларга қарамадан маҳалла тизимида ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, хонадонларда аниқланган муаммолар вақтида ўз ечимини топмаяпти. Бунинг натижасида, оилавий ажримлар сони 2041 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 739 тага ошган. Ушбу кўрсаткичнинг ошишига бир томондан ўтган йили пандемия муносабати билан, кўчага чиқиши чеклангани туфайли ажралишлар сони камайган бўлса, бу йил ўтган йилги ҳолатлар ҳам юзага чиқди.

Айни пайтда 1048 та оила ажрим ёқасига келиб қолган. Бу рақам ўтган йилгидан 28 тага камайган. 910 та нотинч оилалар рўйхатга олинган, профилактик ҳисобда турган фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар 441 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 5 тага камайган.

Муаммо

“бошқарув”дами?

Бугун кўпчилик оилавий ажралишларнинг олдини олишда кўпам аралашмаслик керак, оилаларни мажбуран яраштириш яхшиликка олиб келмайди, каби фикрларни билдиради. Тўғри, мажбурлаш мумкин эмас, аммо тушунтириши? Ахир мамлакатимизда ёш оилаларнинг жуда катта фоизи катталарнинг танлови, ҳаракати билан содир бўладику. Ёшлардан розилик олинади, холос. Ва узоқ йиллар давомида, токи ёш оила ўз ўзини топиб кетгунига қадар бу оила қайсидир маънода бошқариб келинади. Афсуски, бугун муаммо “бошқарув”да бўлиб қолаётганини кўпчилик яхши тушуниб турибди. Яъни ўз ўғли, келини, қизининг ҳаётига нотўғри аралашув туфайли аксарият оилалар ўз ўзидан чиқиб кетаёттир. Яқинда таҳририятга бир йигит мурожаат қилди. Айтишича, рафикаси онасиникида, у билан ярашишни истайди, аммо туман мутасаддилари уни яраштиришга кўпам ҳаракат қилмаётган эмиш. Афсуски, шунақа ҳолатлар ҳам бор.

Келин билан, унинг онаси билан гаплашдим, тўғри, орада кўп тушунмовчиликлар бўлган, аммо кўнглида уларнинг ҳам ярашиш истаги бор. Аммо икки оила ҳам сўзи ўтадиган, эл-юрт ичра ҳурмати билан бир инсон келиб, уларни яраштиришини истаяпти. Даров “уххуу, кўнгиллари нозик эканку”, каби ҳаёлга борманг. Бу ўша туманда шундай инсон топилмаётганидан, ёки бу масалага бош қўшишга вақт тополмаётганидан дарак беради, аслида. Ваҳоланки, мурожаатлар бўлган, тегишли мутасаддилар бу оиланинг аҳволдан бохабар. Ва энг ёмони бундай мисоллар кўп.

Ишонмасангиз, судлар эшигида ажралиш истагидаги оилаларни бир суҳбатга тортиб кўринг. “Оилангизни яраштириш учун бирон ташкилот ҳаракат қилдими?” деган саволингизга аксар ҳолларда “йўқ” жавобини эшитасиз.

Оилавий ажралишлар эса минглаб болаларнинг тақдирига нисбатан жавобгарлик сусайишига олиб келмоқда, бошпанасидан айрилган юзлаб аёлларнинг турли идоралар эшигида сарғайишига замин яратмоқда. Уй-жой тугул алимент пулини вақтида тўламаётган болаларининг отасидан умидини узиб, хорижга кетишга, яқинларию, турли идоралар эшигида сарғаяётган аёлнинг холини тасаввур қилинг...

Ажралишларнинг олдини олиш, жуда кўп нотинчликлар шу жараёндан кейин содир бўлишини ҳисобга олганда, маҳалла тизимидаги энг биринчи вазифа бўлиб қолиши керак. Афсуски, кейинги йилларда бу масала орқа ўринларга тушиб қолаёттир. Умуман, тизимда бир неча йиллардан бери бу соҳада янгича ёндашувни қузатмайсиз, аниқ таҳлиллар йўқ. Оила минг йиллик тушунча, ундаги муаммолар ҳам гўёки ўзгармасдай. Аммо, бугун бу оила ичидагилар анча-мунча илгаригидан фарқ қилади, улар билан ишлаш ҳам ўзгача йўсинга кириши керак.

Гулруҳ МҶМИНОВА.

Бу гапни, худо раҳмати, отам айтиб берувди.

Отанинг отаси замонида чойхоналар жуда гавжум бўларкан. Сўриларда одамлар иккита-иккита, тўртта-тўртта бўлиб чорзонулаб ўтириб олишиб, эртадан-кечгача чойхўрлик қилишаркан. Бироқ чойнаклардаги нарса чоймас, “ғийбат” отли алафнинг қуритилган барги дамламаси экан. Чойхўрлар шу дамламани пиёлаларга суниб, пайдар-пай “хўрр-хўрр” ичишаркан. Пуфлаб-пуфлаб, қайноқ-қайноқ ичишиб, танлари қизиб, пешоналари терлаб яйрашаркан. Бири пулини, бири молини, яна бирови аъмолини кўз-кўз қилиб “семираркан”.

Кунларнинг бирида кишлоғимиз чойхонасидаги шундай гурунг устига бир исрикчи бола келиб қолибди. У қўлини дуога очиб: “Ё, илоҳо...” дейишини билади, бунда маскун чойхўрларнинг қий-чувию “ок калтак-қора калтак”ида қолиб, қочароқ бошини базўр асрабди. Даврада пиёла бир топқир айланар-айланмас чойхонада ғалати рафтор ва сахт-сумбатли бошқа бир одам пайдо бўлибди. Опичида қопи ҳам бормиш. У сўрига ўтирибдию, аммо бошқалардай чой чақирмабди.

— Хў-ў мусофир! — дебди бир шаңги чойхўр. — Бу нима ўтириш? Отинг нима сани?!

— Отимми, отим — Хайрият.

— Хайрият?! Ё, бафармони худо, от деганиям шунақа хунук бўлама, бошқаси қуриб кетканаканда, а? Каспинг нима?

— Хайрият.

— Ий-й-я, майна қиялсанма, бизни, а? Ё тентак-пентакмисан, мусофир? Матлабинг, мақсадинг нима ўзи сани?

— Хайрият...

“Мусофир”нинг қопи тик турганмишу ичида ҳеч вако кўринмасмиш. У даст ўрнидан турибди-да, қопидан худди буғдой олгандай ҳовучлаб-ҳовучлаб ненидир олибди-ю, чойхўрларнинг ҳовучларига, дастурхонларга ташлайверибди, сочаверибди. Ажабки, ҳовучи бўш, у қопга курук қириб-чиқар эди!

— Хў-ў, авлиё! — дейишибди ҳамкишлоқлар “мусофир”ни масхаралаб. — Сан, савдойи бизга ҳадеб нимангни расамадлаяпсан?

— Қопим хайриятга тўла. Сизлар уни кўрмайсизлар, холос. Сизлар... Сизлар хайриятни кўрмайдиган бўлиб қолгансиз...

— Бу ғаламисни ур, сур! — деб ёнидаги чойхўрларни “ола-киш”лабди бояги шаңги...

— Шундан сўнг кишлокни қарғиш урган, - деб қиссасини тугатарди отам раҳматли. — Жаҳолатга ботган одамлар бир-бирининг кўзини ўйиб, жавҳарини ебдилар. Бир-бировини кўр-сўқир қилибдилар...

Қиссадан ҳисса шуки...

Дарвоқе, “Хайрият” нима ўзи, а?.. Филҳол, хаёлимизга ғалчаки сўзлашувдаги:

— Хайрият-э, фалон-писмадон... — деган жумла келади, холос. Ўйланамиз. Шундан нарига ўтолмаймиз...

Қаранга, “Хайрият”нинг ўзагида “хайр” сўзи бор. Маъноси — эзгулик, яхшилиқ. Хайрият эса эзгулик, яхшилиқларнинг жамъидир, аълосидир. Хайрияти бор одам бировга ёмонлик соғинмайди, соғинолмайди. Шумланмайди, қабиҳликка йўймайди, ғийбат, фиску фужурга ружу қўймайди.

Тилимизда “хайрул-аном”, “хайрул-бароё”, “хайрул-башар” деган сўзлар бор. Бу — одамларнинг, инсонларнинг энг яхшиси,



МЕНИНГ ОТИМ — ХАЙРИЯТ

дегани. Бу — пайғам-баримиз Муҳаммад Мустафога эҳтиром ила қўйилган лақаб. Пайғамбаримиз ана шундай олиймақом Хайрият сохиби бўлган.

Энди “Хайрият-э, фалон-писмадон...” деган жумла ҳақида. Бу дегани — “Бахтки, иш яхшилиқ билан тугабди” ёки “Эзгуликка томон ўзгарибди”, деган маънода қўлланилади. Ёки бирор кадрдонимиздан узоклашаётганда, мухтасар — “Хайр”, деймиш, тўғрими? Бу — “Сизга яхшилиқ тилайман, эзгуликлар ёр бўлсин, омонликда яна кўришайлик”, каби маънолар беради.

Форслар “Хайр, худоҳофиз”, деб хайрлашишади. Бунда — “Сизга Аллоҳнинг паноҳи ва яхшилиқларини соғиниб қоламан”, каби маънолар бор.

Хайриятни ҳар ким ҳар хил усулда қилади. Биров пули, ҳалолдан топилган сармояси билан бировга яхшилиқ қилади. Биров билагидаги кучи билан бировнинг оғирини енгиллатади. Биров ширин, хилм тили, табиати, фасоҳати ила хайрият қилади... Маъшуқа оташин ошиғини чин дилдан севиб, вафо-садоқат ила хайрият этади, музюраклик қилмайди ёки тил учиди “севиб”, умидламайди. Мударрис толибига илм ўргатиб, гулхаёл хофиз ўз тингловчисига мағрур-мағрур, хур-ахрор кўшиқлар қўйлаб хайрият қилади...

Бу амаллар оккўнгиллик, покказлик мезонида ўлчаниб бажарилади. Акс ҳолда кўнгиллар кўрғони йиқилади. Мутасаввуф шоир Юнус Эмро айтганларидай:

*Кўнгил — Аллоҳнинг тахти,
Аллоҳ кўнгилга боқти.*

Ким у олам бадбахти —
Кимки, кўнгил қолдирса!..

Айни дамда радиода, ТВда, ундан улгу тортиб оддий сўзлашувда ҳам: “Хайрлашмайман, кўришгунча, деб қоламан...”, қабилдаги саводсизларча, мохиятга етиб боролмай айтилган сўзларга дуч келамиз. Аввало, ХАЙР — видолашув эмас. “Кўришгунча” русча “Досвидания” сўзидан онгсизларча кўчирма, “калка”. Ана, Навоийни ўқинг, мумтоз адабиётимизнинг бошқа асарларини варақланг, бирор жой-

ида “кўришгунча” бормикан?.. Бу “маданий” дунёда “маданиятли” бўлишга интилишдан ўзга нарса эмас, бизнингча.

Очиқ гап, ҳозирда бировнинг аравасига чиқишга камоли ҳавасамдмиз. Катта-миздан кичигимизнинг ўю-хаёли шунда. Ҳа, аравасига чикқач, ўшанинг ашуласини айтишга мажбурсиз-ку! Буни биласизми ёки билиб, онгли равишда ўзганинг ашуласини айтиш учун арава излаяпсизми?.. Ўзимизнинг арава кўзингизга шалоқ бўлиб кўриняптими?..

Билинг, ўз ота аравамиз шалоқ эмас, ашула-мизда бинойидай. Жуда кўплар аравамизда жон сақлаб, ашула-миздан завқ олишган, дард аритишган... Фақат... ўзингиз — шалоқсиз... юртсевмассиз... ўзбеконамассиз.

Сиз... Хайриятнинг кўчасини етти хуфта тонда излаганлардансиз. Шундан ҳам манфаат қидирасиз!..

Хайрият — Шарқ урфи, таъби, одоби ва фазилати.

Исёни!..

Биз шарқликларга хос ва мос бўлайлик. Илоҳо, худо раҳмати отам бағри қуйиб айткан қисса — бобоқишлоғим аҳлининг талх-туруш қисмати мозийда қолгани рост бўлсин. Хайриятдан айирмасин, адаштирмасин. Кўзимиз қоплардаги, ҳовучлардаги, нигоҳлардаги Хайриятни кўрмай, илғамай қолмасин!..

Кўлқанотим, сизга Хайрият қутлуғ бўлсин...

**Раҳимжон
МИРЗАҚУЛОВ**

ЖАМИЯТ



Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон
Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат
бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати
— Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси.

Ўзбекистон экологик
ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат
нотижорат ташкилотлари
миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

**Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ**

Таҳрир хайъати:

Адхам Бекмуродов
Акмал Саидов
Ақтам Ҳайитов
Нарзулло Обломуродов
Адхам Икромов

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-108
Адади: 1507.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Муроджон РАҲМАТОВ

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

ИККИ ОЙ ТЕЛЕВИЗОР КЎРМАЙ ТУРИНГ...

Таассуф

— “Гуанжо” хитой тиббиёт марказининг рекламасини бир кунда турли каналларда 70 мартадан 120 мартагача кўравериб-кўравериб, асаблар бутунлай тугаб, қон босимим фалакка чиқиб кетди, қўлим қалтирайдиган бўлиб қолди.

Ўзингиз ўйланг, мен кўрмоқчи бўлган кино, спектакль, кўрсатувларни кўролмасам, унинг ўрнига бир

ёқимтойгина қизнинг: “Эр-каклик кучингизни тикланг” деган “насихат”ини эшитиб ўтирсам! Теледастурлар —

йўлига, аслида ит эгасини танмайди.

Дардимга ҳеч қанақа лактавита, ҳеч қанақа ламиналайфлару седана ёғлари фойда қилмади. Ўзимизнинг поликлиникага чикдим. Врач рецепт ёзиб берди. Мана шу сўзлар ёзилган экан: “Ўзбекистон телевидениесини икки ой кўр-

май турунг, отдай бўп кетасиз”.

Айтганини қилган эдим, ёшим 70 дан ошган бўлса ҳам, ўзимни 25 яшар йигитдай сезяпман. Соғлом бўлай десангиз сиз ҳам ўрناق олинг!

**Шароф БОШБЕКОВ,
ёзувчи, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган маданият
ходими**

Барно Маматисакова Кўкон шахар Вақф Чорсу кўчаси 63 уйда ижарада яшаб келарди. Асли данғаралик, 2020 йилнинг июнь ойида ҳозирги манзилига кўчиб келган. Уй эгаси И.Юлдашев оилага енгиллик, ёрдам бўлсин, дея ижара тўловини арзонлаштириб, ойига 200 минг сўм ҳақ олган. Барно Маматисакова ижара тўлови масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилгач, давлат томонидан икки ойлик ижара пули 400 минг сўм тўлаб берилган. Уй эгасининг айтишича эса, 3 ойлик ижара тўловини олган, холос. Ҳамма нарса ҳам пул билан ўлчанавермаслиги, меҳр-оқибат, яхшилик деган тушунчалар ҳали мавжуд эканлигига ишора ўлароқ, бу оилага уйини шундоқ яшаб туришга топширган, ҳеч қандай тўлов сўрамаган.

Бир ярим йилдан буён бу оилага ҳокимлик масъуллари томонидан озик-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари бериб келинади, уч нафар вояга етмаган фарзанди учун жами бир миллион беш юз минг сўм миқдоридан ёрдам пули, жорий йилнинг февралдан бошлаб эса учала фарзандига ҳам болалар нафақаси берилади.

Бошпанаси йўқлиги, ижарада яшаб келётганлиги сабаб 2021 йилнинг 5 август куни “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини Моварауннахр кўчаси 57а-уй 17-хонадонда жойлашган оилавий ётоқхонадаги 2 хонали турар жой билан таъминланган.

Кўкон шахар “Агробанк” АТБ томонидан 17 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, тикув машинаси билан таъминланган. Бироқ тикув машинасини эҳтиёжлари учун сотиб юборган. Сўнгра Барно Маматисакова “Тадбиркор аёл” ўқув марказида касбга ўқитилиб, Кўкон шахар ҳокими томонидан 2 та тикув машинаси (бир чок ва оверлог) берилган. Улардан ҳам мақсадли фойдаланмай, сотиб юборган. Айланма маблағ, аниқроғи мато сотиб олиши учун 2021 йил март ойида Кўкон шахар ҳокимлиги томонидан 4 миллион, апрель ойида эса Фарғона вилояти ҳокими томонидан 4 миллион, жами 8 миллион сўм нақд пул берилган. Кўкон шахар “Саховат ва кўмак” жамғармаси томонидан 2021 йил 23 апрель куни пластик картасига бир миллион икки юз минг сўм маблағ ўтказиб берилган.

Оила аъзолари “Обод” МФЙнинг “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар” рўйхатига киритилган. Доимий даромад манбаига эга эмас.

УСТОМОНЛИК ҚАЧОНГАЧА?



Ёхуд боқимандаликни “касб”га айлантирганлар

Барно Маматисаковага тузилган даволатнома билан танишпману, миямда саволлар ғужғон айланаяпти:

Бу аёл ва турмуш ўртоғи ишга лаёқат-сизмикан?

Уч фарзанди ҳали мактаб ёшига етмагану, она бола тарбиясидан ортолмасмикан?

Давлат томонидан қайта-қайта берилган жами 9 та тикув машинасини сотиб юборишга, ҳокимият масъулларига яна такрор ёрдам қўлини чўзаверишига сабаб нима экан?

Ниҳоят келишилган кун ва соатда қаҳрамонимиз Барно Маматисакова ҳамда турмуш ўртоғи, ҳассага суянган Иззат Жумабобоев билан Кўкон шахар ҳокимлиги биносида учрашдик. Сухбат асосида иккиси ақлан ҳам, жисмонан ҳам соғ эканлиги, Иззат Жумабобоев сентябрь ойидаги автохалокат туфайли оёғи бироз лат егани важдан қўлига ҳасса тутгани ойдинлашди.

Икки фарзанди мактабда ўқийди, кенжа кизи 6 ёш, ақли-хушини таниган, ёнига олиб хунарга қизиктирса бўлгудек, бир ишга уннаса эплагудек. Барно Маматисакова уй бекаси, турмуш ўртоғи ҳайдовчилик қилиб рўзгор тебратган. Автохалокат сабаб сентябрь ойдан қарзга ботишган, учта тикув машинасини автохалокатда зарар кўрган ҳақдор томон уйдан олиб чиқиб кетган.

Доимий даромад манбаига эга эмаслиги, куни ёрдам пулига қолганини тегишли идораларга катнаб, умри ўтаётганининг сабаби жуда оддий экан, аслида. Ишқ-маслик ва учига чиққан боқимандалик.

Касб деса, касбга ўқитиб қўйишса, уй деса уй беришса, пул деса, мана тайёр. “Тилла балик”қа тилагини айтиб қўйса-ю, уйига боргунича муҳайё бўлса, кимга ёқмайди!

“Ҳозир замон ўзгариб кетди, уйда ўтириб ҳам даромад топишнинг минглаб йўллари бор. Пиширик қилиб, кийим тиқиб, одамларга нимадир ўргатиб, ҳатто бола парвариши ҳақида блог юрғизиш ҳам пул топиш мумкин. Оналик таътилидаги, қўлида ойлик чақалоғи билан аёллар тадбиркорлик қиляптию, сиз эс-хушини таниган фарзандларингиз билан шу ишни қилолмайсизми? Қўл билан берганга қуш тўймайди, бир умрлик, узок муддатлик бирор ишнинг ёқасидан тутиш керак-ку!” деган саволимизга жавобан “6 ёшли қизимни ташлаб кўчага чиқиб кетолмайман, қаерда сотаман, тикув машинамни қайтариб беришса, тикардим, мато олишга ёрдам беришса, қарзимизни тўлаш учун 10 миллион сўм пул беришса...” деди бир зумда кўзига ёш олиб.

Ахир, бу каби балик сўраганларга ҳам балик, ҳам қармоқ бериляпти. Аммо... мурожаатни ёпиш, қулоғимиз тинчиши,

“ёзувчи”лардан тезроқ қутулиш учунгина сўраганини муҳайё қилавериб, боқимандаликка ўзимиз ўргатиб қўймаймизми? Дунёдаги энг яхши касб мана шу, ишламайсан, лекин тишлайсан, дея.

Кўкон шахар ҳокимлиги девонхона мудири Нозимжон Насимовнинг қуёниб гапиришича бор: “Буларнинг бир жиҳатига тан бермай иложимиз йўқ. Сўраганини олмагунича керак бўлса, шахар, вилоят ҳокимияти биносига ётиб олади, Вазирлар Маҳкамаси, Президент девонига боришдан эринмайди. Қўконда 259 минг аҳоли бўлса, шулардан ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли 9 минг нафарни ташкил қилади, дейлик. Баъзан мана шундай “ёзувчилар”, “устомонлар”ни деб чиндан ҳам ёрдам, қўллаб-қувватлашга муҳтожларга етиб боришимиз қийин кечади. Камбағал мард бўлади деганларичаям бор. Улар бир марта мурожаат қилиши мумкин, бошқа келмайдиям, сўрамайдиям-да...”

Парадоксининг гўзаллигини, ақлга қоришқилигини қарангки, текин пишлокка етгунча бўлган катъият, охирига етмагунча қўймаслик, принципиалликни бирор касб ё хунарга қўлласса, қандай бўларди! “Зўр тикувчи бўлмасам, қўймайман!”, “Пиширикларимни ҳамма таллашиб оладиган бўлади!” қабилида...

Йўқ, ахир, текин пишлоқ турганда, жонингни жабборга беришга на хожат?! Битта йиғласанг, битта ёзсанг, битта югурсанг, кифоя!

Турмушидан ажраган, бир нафардан фарзандлари бор опа-сингил Дўсматова Юлдуз ва Дўсматова Наргизаларнинг тақдири Барнониқидан бироз фарқ қилади. Юлдузнинг қарамоғида ногирон онаси бўлган, Наргизанинг қўлида эса ногирон қизи бор. Аммо охир-оқибат, уларнинг танлаган йўллари, ҳаёт тарзи – бир. Улар билан суҳбатимиз ҳамма ҳақиқатларга кўзгу тутди: Қўлини совуқ сувга ургиси йўқ, ишламаслик учун баҳонаси етарли, боқимандалик билан кун кўришга ҳам сабаблари тайёр. Бошқалардан, масъуллардан кутадиганларининг эса ниҳояси йўқ: тикув машинаси берса, матога пул берса, “пирашка” учун жой қилиб берса...

Умр – бир “марра”дан иккинчисига ўтиб олгунча!

Севара АЛИЖОНОВА

МАНФААТЛАР МАРКАЗИДАГИ БИРИНЧИ МАСАЛА

Сарҳисоб

Хабарингиз бор, юртимизда 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланди ва ўтган йил давомида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Зеро, Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғу мақсадга эришиш йўлидаги асосий таянч бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намойён этиши учун зарур шароит ҳамда имкониятларни яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, IT-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш энг зарурий амалиёт саналади.

Биргина 2021 йилнинг биринчи ярмида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари” асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётини муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар, кишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортик ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг қўламини тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилган “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ҳам

ўтган йил давомида кўплаб лойиҳаларни амалга оширган ҳолда 800 минг нафардан зиёд ёшлар қамраб олиншига эришди.

Президентимиз томонидан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш соҳасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, жамғарма ўтган йил давомида 20 га яқин йўналишларда ўз фаолиятини олиб борди.

Хусусан, ёшларнинг стартап лойиҳаларига 2 миллиард 800 миллион сўм миқдоридан грант маблағлар ажратилди, халқаро миқёсида юқори нуфузга эга нотиклар иштирокида 330 маротаба мотивацион тадбирлар, халқаро бизнес форум ва ярмаркалар ўтказилди.

Олий таълим муассасаларида бизнес акселераторлар фаолияти йўлга қўйилди, йирик тадбиркорлик субъектларига 431 маротаба бизнес саёҳатлар, кўргазма савдо ярмаркалари ташкил этилди, 28 483 нафар ёшларга ҳуқуқ, бухгалтерия, маркетинг, брендинг, банк, суғурта, меҳнат ва бошқа соҳаларда консалтинг хизматлари кўрсатилди.

Бундан ташқари, бизнесга оид масофавий ўқув машғулларида 680 минг нафардан ортик ёшлар жалб этилди,

уюшма, вазирлик ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда 29 889 нафар ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди.

Энг эътиборли томони, халқаро молиявий муассасалар маблағлари ҳамда оилавий тадбиркорлик дастурлари орқали 2 883 нафар ёшларнинг 89 миллиард 366 миллион сўмлик бизнес лойиҳаларини молиялаштирилишига кўмаклашилди, ёш тадбиркорларга 21 101 нафар ёшлар шогирд сифатида бириктирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар тадбиркорлиги замонавий жамият манфаатларининг марказида бўлиб, бутун аҳолининг ҳаётига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ёшлар тадбиркорлиги ихтирочилик ва инновацион фаолиятни ривожлантиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, асосий ғоялар ва ихтиролар аксарият ҳолларда йирик корхоналар ва ўз бизнесини муваффақиятли олиб бораётган ҳамда мустаҳкам ўринга эга бўлган тадбиркорларга қараганда ёшлар фаолиятдан келиб чиқади. Инновацион муҳитда тарбияланаётган ёшларнинг кенг маънодаги ижодкорлиги келажакда истеъмолчилар учун янги маҳсулотлар, шунингдек, хизматлар тақлиф этилишига замин яратади.

“Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси юқоридаги каби келажак яратиш учун ўз ҳиссасини қўшиб, ёшларга ҳар томонлама кўмак беришда давом этади.

“Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси
Ахборот хизмати